

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



«Наманган» ЭИЗ ташкил этилди

Эркин иқтисодий зона Президентнинг 20.08.2018 йилдаги ПФ-5517-сон Фармониға мувофиқ Наманган вилоятининг Чуст туманида ташкил этилди.

Кўзда тутилган мақсадлардан – мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳисобланади.

«Наманган» ЭИЗ муддати узайтирилиш имконияти билан 30 йилга ташкил этилади. Унинг ҳудудида алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиблари амал қилади. Барча ЭИЗ учун бу тартиблар бирхиллаштирилганлиги сабабли янги ЭИЗ иштирокчиларига имтиёз ва преференцияларнинг стандарт пакети талаб қилинади (26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармоннинг 3, 4, 5-бандлари).



Кейинроқ унинг жойлашиш чегаралари аниқланади, ташкилий масалалар ҳал этилади ва «Наманган» ЭИЗнинг «Йўл хариталари» тасдиқланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.08.2018 йилдан кучга кирди.

15 сентябрдан нотурар жой объектларидан фойдаланмаганлик учун санкциялар жорий этилади

Президентнинг 4.09.2018 йилдаги ПҚ-3928-сон қарори билан ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, 2018 йил 1 майдан бошлаб илгари хусусийлаштирилган, бироқ ҳозир қурилиши тугалланмаган объектлар ҳамда майдони 1 минг ва ундан ортиқ м² ни ташкил этувчи фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорларига нисбатан анча кескин чоралар қўлланила бошлади. Юридик шахслар ЯСТдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтдилар, бундай объектлар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи ставкаси 2–10 баравар ошди, уларнинг мулкдорларига нисбатан солиқлар бўйича имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш тўхтатилди (23.02.2017 йилдаги ПҚ-2796-сон қарор).

Бу ишбилармонлар фаоллигини оширди – 1,5 мингта корхона фаолияти тикланди ва 12 мингта иш ўрни яратилди.

Энди мазкур тартиб, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ва эгаллаган майдон ҳажмидан қатъи назар, барча тоифадаги қурилиши тугалланмаган объектлар, бўш турган бинолар, нотурар иншоотлар ва

фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига нисбатан татбиқ этилади. Яъни объект қачонлардир хусусийлаштирилган ёки хусусийлаштирилмаганлиги муҳим эмас, шунингдек у эгаллаган квадрат метрлар ҳам аҳамиятга эга эмас.

Шу тариқа, 2018 йил 15 сентябрдан бошлаб фойдаланилмаётган объектлар мулкдорлари – юридик шахсларга қуйидаги таъсир чоралари қўлланилади:

➤ соддалаштирилган солиққа тортиш тартибидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтказиш;

➤ мол-мулк ва ер солиқларини 2 қарра миқдорда тўлаш, 6 ой ўтгандан сўнг – 5 қарра, 12 ой ўтгандан сўнг ва кейинчалик – ўрнатилган ставкага нисбатан 10 қарра миқдорда тўлашга ўтказиш (ДСҚга солиқларни оширилган ставкалар бўйича ҳисоблаш ва ҳисобланган суммаларни солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига киритиш ҳуқуқи берилди);

➤ қонунчиликка мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар амал қилишини тўхтатиш.

Фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича идоралараро комиссиялар (вилоят даражасида) ва тегишли ишчи гуруҳлар (туман даражасида) бундай объектларни аниқлайдилар.

Жиддий ўзгартириш – инвентарлаш пайтида объект майдонининг 50%и (битта бино ёки нотурар жой контури доирасида) товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқаришга жалб этилмаган бўлса, у фойдаланилмаётган деб топилади. Илгари комиссия объект сўнгги 12 ой бўш турганини исботлаши зарур эди. Бундан ташқари, объектни сотиб (қайта расмийлаштириб) ёки уни сотувга қўйиб, вақтинча (3 ой) муаммодан қутулиш имкони бўлмади.

Инвентарлашдан сўнг Давлат рақобат қўмита-

сининг ҳудудий органи объектдан самарали фойдаланиш бўйича таклифларни тақдим этиш ҳақида мулкдорга сўровнома юборади. Мулкдор 2 ойлик муддатда «Йўл харитаси» кўринишида унга жавоб бериши керак, унда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини барпо этиш, объектни аниқ ижара-чиларга тақдим этиш, муайян инвесторлар (шериклар)ни жалб этиш ва ҳ.к. назарда тутилиши мумкин. Фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбаларини кўрсатиш талаб этилади.

«Йўл харитаси» юқори турувчи ташкилот (мавжуд бўлган тақдирда) билан келишилади ва идоралараро комиссия томонидан тасдиқланади. «Йўл харитаси» тақдим этилмаса ёхуд ижро этилмаса, қандай йўл тутилади? Идоралараро комиссия юқорида кўрсатилган таъсир чораларини қўллаш ҳақида ҳулоса чиқаради. Мулкдор ҳулоса билан танишганидан кейинги ойдан бошлаб унга нисбатан юқорида кўрсатилган чоралар кучга киради.


Бу – муҳим! Тадбиркорлик субъектларига рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш вазифаси юкланган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг айбига кўра инвестиция лойиҳасини амалга ошира олмаган мулкдорларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилмади.

Мулкдорлар – жисмоний шахсларга нисбатан ҳам чоралар қўлланилмади.

«Йўл харитаси»ни тақдим этган ва амалга оширишни бошлаганлар мулкдорлардан идоралараро комиссиянинг мулкдор (унинг розилиги бўлган тақдирда бошқа ташаббускорлар, ш.ж. ижарага олувчилар) томонидан «йўл харитаси» (инвестиция лойиҳаси) тақдим қилинган, шунингдек, унинг амалга оширилиши ҳақидаги ҳулосаси санасидан кейинги календарь чоракликдан бошлаб санкциялар олиб ташланади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 6.09.2018 йилдан кучга кирди.

2-бетда



Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Давра суҳбати иштирокчилари ХУМШ тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди

7-БЕТ

Уйни сақлаб туришда немисча ёндашув

8-БЕТ

Жисмоний шахс бухгалтерия хизматларини кўрсатмоқчи. Лицензия олсинми?

Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби ўзгаради

Вазирлар Маҳкамасининг 30.08.2018 йилдаги 702-сон қарори билан ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари қабул қилинди.

2018 йил 1 декабрдан бошлаб мазкур йўналишда муҳим ўзгаришлар рўй беради.

Биринчидан, ваколатли идоралар ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантира бошлайди. Уларга тавсия этиладиган реклама конструкциялари турлари ва уларни жойлаштириш хариталари (схемалари) илова қилинади. Рўйхатлар ОАВда эълон қилинади.

Иккинчидан, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқи «E-lrgo Aukcion»да очиқ электрон аукционлар орқали берилади (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

Ер участкаларига ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқи 10 йилгача, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга 5 йилгача берилади. Объектларни (конструкцияларни) жойлаштириш ҳуқуқини бериш ва ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқини бериш бўйича шартномалар туман (шаҳар) ҳокимлиги билан тузилади.

Ташқи реклама объектини (конструкциясини) шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 ой мобайнида жойлаштириш зарур. Акс ҳолда уни жойлаштириш ҳуқуқи бекор қилинади.

Учинчидан, тўловлар ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини олиш учун ҳақ ва ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун йиғимни ўз ичига олади.

Тўлов тури	Тўлов миқдори	Тушган маблағларни тақсимлаш
Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини олиш учун ҳақ	Очиқ электрон аукцион савдолари яқунларига кўра аниқланади. Аукцион бошлангич нархи қуйидаги миқдорни ташкил этади: ер участкалари учун – ушбу ер участкаси учун белгиланган ер солигининг 10 баробаридан кам бўлмаган миқдорда, кўзда тутилган фойдаланиш муддатининг ҳар бир йили учун; давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар учун – бино ва иншоотнинг фасад қисми ҳамда периметри бўйича, шунингдек ҳар бир реклама пешлаваҳа учун кўзда тутилган фойдаланиш муддатининг 1 м ² учун энг кам ижара ҳақи миқдориди.	Туманлар (шаҳарлар) бюджетига йўналтирилади
Ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқи учун йиғим	Миқдорини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгилайди. Йиғим миқдорини ундириш тартибини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.	90%и – туманлар (шаҳарлар) бюджетига; 10%и – «Тасвирий ойна» ижодий бирлашмаси ва унинг филиаллари (тушум мақсадли тусга эга – унинг аппарати ходимларини таъминлаш ҳамда миллий гоя ва маънавият тарғиботи тадбирларини молиялаштиришга сарфланади).

Улгуржи сотиш: валюта конвертациясидан тушумлардан ЯСТ бўйича бўнак тўловлари тўланмайди

Молия вазирлиги, ДСҚ ва МБ Бошқарувининг қарори (6.09.2018 йилда 2065-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, тижорат банклари улгуржи савдо корхоналари учун уларнинг барча тушумлари ўтадиган мақсадли ҳисобварақларни очадилар. Ушбу мақсадли ҳисобварақлардан 5% ягона солиқ тўлови бўйича бўнак тўловлари

сифатида автоматик равишда бюджетга йўналтирилади.

Бироқ истиснолар мавжуд.

Бу тушумларнинг 10 та турига тааллуқли эмас эди. Масалан, чакана савдодан инкассация қилинган тушум, хато ўтказилган маблағларнинг қайтган қисми, устав фондига улушлар, фойзалар ҳамда дивидендлар ва бошқалардан 5 фойзлик бўнак ушлаб қолинмайди. Энди ўзига хизмат кўрсатувчи банк билан амалга оширилган валюта операциялари ҳамда валюта биржасида илгари конвертация қилинган хорижий валютани сотишдан келиб тушган маблағлар ушбу рўйхатга қўшилди.

Бундан ташқари, Низом бир неча техник аниқлаштиришлар билан тўлдирилди.

Чунончи, бошқа тижорат банкида асосий ва иккиламчи ҳисобварақ (талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ) очилганда солиқ органлари бу ҳақда

Банк депозиторларининг миллий ахборот базасидан билиб оладилар. Банкка бир иш куни ичида солиқ тўловчининг ЯСТ бўйича бўнак тўловларини тўлаш мажбурияти ҳақида хабарнома юборадилар.

Шу билан бир қаторда, хабарнома солиқ тўловчига ёзма шаклда ёки унинг шахсий кабинети орқали электрон шаклда юборилиши юзасидан аниқлик киритилди. Солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органига ЯСТ бўйича ортиқча тўланган суммаларни қайтариш тўғрисидаги аризани ҳам солиқ тўловчи худди шу тартибда (ёзма шаклда ёки шахсий кабинети орқали) бериши мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.09.2018 йилдан кучга кирди.



Олег Заманов, Самир Латипов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталлан шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Янги уй-жой қонунчилиги устида иш олиб

борилмоқда

– Муаммолар мавжуд. Қандай таклифлар бор?

– УКХ: қонун қандай бўлиши керак?

3-6-бетлар

• ФОЙДАЛИ ТАЖРИБА

– Нима учун уй-жой соҳасидаги ислохотлар қийинчилик билан рўёбга чиқмоқда

– Декларация имзоланмаса – квартира харид қилиб бўлмайди

7-бет

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Улгуржи ва чакана сотиш учун Хитойдан

биологик фаол қўшимчалар

– ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтмасдан хизматлар кўрсатиш

– Фақат сўмда пулни қарзга беринг

8-бет



МУНДАРИЖА:

✓ Янги уй-жой қонунчилиги устида иш олиб борилмоқда

✓ Муаммолар мавжуд.
Қандай таклифлар бор?

✓ УКХ: қонун қандай бўлиши керак?

Янги уй-жой қонунчилиги устида иш олиб борилмоқда

Уй-жой қонунчилигини ислоҳ қилиш масалалари пойтахтимизда бўлиб ўтган давра суҳбати иштирокчилари эътибор марказида бўлди. Вазирликлар ва идоралар вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва туман халқ депутатлари кенгашлари депутатлари, германиялик уй-жой кўчмас мулкни бошқариш бўйича халқаро экспертлар, жамоатчилик ташкилотлари, ХУМШ ва бошқарувчи компаниялар раҳбарлари 2 кун давомида ушбу жараённинг турли жиҳатларини муҳокама қилдилар. Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармонида мамлакатимизда олиб борилаётган УКХ ислоҳоти доирасида «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Учрашувнинг белгиланган мавзуси: «Кўп квартирали уй-жой фондини бошқаришга доир қонунчиликни яхшилаш бўйича тавсиялар ва уни ислоҳ қилиш жараёнида соҳа ташкилотларининг роли». У «Pro House – Қозоғистон ва Ўзбекистонда уй-жойларни профессионал бошқариш» лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Уни Евроиттифок молиявий кўмаги билан «Шарқий Европадаги уй-жой хўжалиги» Ташаббуси (IWO, Берлин) амалга оширмоқда. Германия томонидан Уй-жой ва кўчмас мулк Европа таълим маркази (EBZ) ҳамда Германия Кўчмас мулк бошқарувчиларининг мувофиқлаштирув-

чи иттифоқи (DDIV), бизнинг томондан – Ўзбекистон уй-жой фондини профессионал бошқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмаси ҳамкорлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда УКХ ислоҳоти давом этмоқда. Қисқача айтадиган бўлсак, у мазкур соҳани бошқаришни такомиллаштириш, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш, кўп квартирали уйларни (ККУ) модернизация қилиш, уй-жой мулкдорларини сифатсиз хизматлардан ва уларнинг ҳуқуқларини бузувчи саводсиз мутахассислардан ҳимоялашга қаратилган. Бироқ, шу билан бир

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

қаторда, уй аҳли нафақат шахсий мулк (квартираси), балки умумий, улушли мулк ҳуқуқида ўзларига тегишли бўлган мулк ҳолати учун ҳам жавобгар эканликларини ҳис қилишлари керак. Уй-жойни профессионал бошқармай, ККУга хизмат кўрсатувчи ХУМШ ва бошқарувчи компаниялар фаолиятини қайта йўлга қўймай, уй-жой хизматлари рақобатбардод бозорини шакллантирмай туриб, бунга эришиб бўлмайди. Бугунги кунда уй-жой куриш ва реконструкция қилиш миқёси кенгайиб бормоқда. Буларнинг бари уй-жой фондиди бошқаришга янги талабларни, шу билан бирга қонунчилиқни такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

УКХ вазирлигида ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилган. Давра суҳбатида унинг иш натижалари ва таклифлар тилга олинди. Бу ҳозирча қонун лойиҳаси юзасидан мўлжалланган вазифалар, тартибга солишни талаб қилувчи камчиликларни аниқлаш, амалдаги қонунчилиқни қўллаш амалиётидан, шунингдек уй-жой фондиди бошқариш тизимида юз берган ўзгаришлардан келиб чиқиб тузатишлар киритишга доир таклифларнинг илк муҳокамаси, ҳолос.

Мутахассисларимиз илгарироқ пойтахтда бўлиб семинарларда немис экспертлар тақдим этган Германия тажрибасини ўрганмоқдалар. Ушанда улар УКХ вазирлиги раҳбари Музаффар Солиев билан учрашган эдилар, у ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишда иштирок этишни таклиф этган эди.

Сиёсатчилар, қонун чиқарувчилар, халқаро экспертларнинг амалий мулоқоти умид бахш этади. Мутахассисларимиз учун семинарлар, тренинглардан ташқари, экспертлар янги таҳрирдаги «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Концепциясига тавсияларни тайёрладилар, ишлаб чиқувчилар учун фойдали бўлиши мумкин бўлган Германиядаги кўп квартиралли уй-жой фондиди бошқаришга доир ҳужжатлар пакетини тақдим этдилар. Ишчи гуруҳ аъзолари қонун лойиҳасини тайёрлашда ушбу тажрибадан фойдаланмоқчилар.

Давра суҳбатида уй-жой қонунчилигини ислоҳ қилиш жараёнида соҳа уюшмаларининг роли ҳақида ҳам сўз юритилди. Ўзбекистонда фаолият юритувчи Уй-жой фондиди профессионал бошқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар уюшмаси янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда УКХ вазирлигининг ҳамкори ҳисобланади, давлат органлари ва депутатлар билан мулоқотни йўлга қўйган ҳолда мамлакатимизда кўп квартиралли фондни профессионал бошқариш гоёсини илгари сурмоқда.

Учрашув якунлари бўйича унинг иштирокчилари билдирган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, УКХ ишчи гуруҳи ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари билан биргаликда иш кўриши юзасидан келишувга эришилди.

Ушбу мавзуйий сон давра суҳбатида белгиланган уй-жой қонунчилигини ислоҳ қилиш масалалари муҳокамасига бағишланди.

Муаммолар мавжуд. Қандай таклифлар бор?

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича УКХ вазирлиги ишчи гуруҳининг бош мувофиқлаштирувчиси Наталья Вишневская қонун лойиҳаси устида қандай иш олиб борилаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. У тилга олган амалдаги Қонундаги муаммолар, шунингдек ишчи гуруҳнинг уларни бартараф этишга доир айрим таклифлари билан қисқача таништирамиз. Лойиҳа устида ишлашга жалб этилган идоралар мутахассислари уларга қўшимча ишлов бериб, қонун чиқарувчилар кўриб чиқиши учун тақдим этадилар.

➤ ХУМШни қайта ташкил этиш, бошқарув усулини ўзгартариш масалаларидаги камчиликлар

Кўпинча ширкатни қайта ташкил этиш ёки бошқарув усулини ўзгартаришда муаммолар юзага келади. Мулкдорларни ҳимоя қилиш учун умумий йиғилиш шундай қарор қабул қилган пайдан бошлаб 3 иш куни

давомида техник ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар, хоналарнинг қалитлари, мулкдорларнинг умумий мол-мулки таркибига кирувчи ускуналардан фойдаланиш кодлари, ККУдан фойдаланиш ва уни бошқариш учун зарур бўлган бошқа техник воситалар ва ускуналарни кўп квартиралли уйни бошқариш мажбуриятини зиммасига

олган шахсга топшириш таклиф этилмоқда. Бевосита бошқариш усули танланганда эса – умумий йиғилиш қарорида кўрсатилган хона мулкдорига.

➤ Ер участкалари билан боғлиқ муаммолар

Амалдаги қонунчиликда белгиланганидек, ер участкалари ширкатларга белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади. Бироқ бу масала ҳал этилмай қолмоқда. ХУМШ участкаларни сақлайди, уларни ободонлаштиришга маблағ сарфлайди, бироқ кадастр ҳужжатларида улар белгиланмаган. Натижада ҳокимликларнинг ободонлаштириш бошқармалари ва ХУМШ ўртасида ширкатларга тегишли бўлмаган ер участкаларини ким сақлаши кераклиги борасида зиддиятлар юзага келмоқда. Ширкатда ер участкаси мавжуд бўлмаганда унинг чегараларини давлат кадастр ҳисоби маълумотлари асосида белгилаб, уйнинг техник паспортида кўрсатиш таклиф этилмоқда.

➤ Нотураж жойлар мулкдорларида мажбуриятлар бор, бироқ ҳуқуқлар йўқ

Нотураж жойлар мулкдорлари ширкат аъзолари ҳисобланмайдилар. Шунга қарамай, ХУМШ аъзолари қатори, зиммаларига умумий мол-мулкни сақлаш бўйича мажбуриятлар юклатилган, бироқ умумий йиғилишларда иштирок этиш, ишлар режаси, бадал миқдорини тасдиқлашда овоз бериш ва бошқа ҳуқуқдан маҳрум этилганлар. Натижада кўп ширкатларда улар учун асоссиз равишда оширилган бадал миқдорлари белгиланган. Бу томонлар ўртасида зиддиятларга олиб келади. Низоларга барҳам бериш учун нотураж жойлар мулкдорларини ҳам ХУМШ аъзолигига қабул қилиш таклиф этилмоқда. Уларга қўшимча хизматлар кўрсатилса, бадал миқдори оширилиши мумкин.

➤ ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг қарорлар қабул қилиши

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарор, агар ХУМШ аъзоларининг 50%идан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади. Бироқ ҳатто бир уйли ХУМШда ҳам кворумга эришиш мушкул, 8–10 та ва ундан ортиқ кўп қаватли уйларни бирлаштирган ширкатларни гапирмаса ҳам бўлади. Ишчи гуруҳ аъзолари умумий йиғилишларда ХУМШ аъзоларининг вакиллари функцияларини уйбошиларга бериш имкониятини қўриб чиқдилар. Бироқ қонунчиликда уйбошилар кимлиги, уларга қандай ваколатларни бериш мумкинлиги белгиланмаган. Бунинг устига, ширкат аъзоларининг барчаси ҳам уларга

ишонч билдирмайди. Амалдаги қонунчиликда мулкдорларнинг умумий йиғилишлардаги вакили назарда тутилган. Ёзма сўровлар ўтказиш йўли билан қарорлар қабул қилиш имконини ҳам ҳужжатга киритиш таклиф этилмоқда. Умумий йиғилишда кворумни таъминлаш имкони бўлмаганда улар ўтказилади. Онлайн овоз бериш йўли билан ҳам қарорлар қабул қилиш таклиф этилмоқда.

➤ Бадалнинг энг кам миқдорини жорий этиш

Ширкат аъзоларининг мажбурий бадали миқдорини умумий йиғилиш қарори билан ҳар йили УЎХ вазирлиги томонидан тасдиқланадиган энг кам миқдорлардан паст бўлмаган миқдорда, ККУни сақлашнинг белгиланган норма ва қоидаларини, ҳар бир уйнинг техник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда белгилаш таклиф этилмоқда. Кўп қаватли уйларни сақлашга сарфланадиган реал харажатларни аниқлаш учун улар техник текширувдан ўтказилади.

Тўғри, ширкатлар бадал миқдорини ўзлари белгилашлари керак. Бироқ уларнинг ақсариёти уйни сақлаш учун маблағга реал эҳтиёжни уй аҳлига тўғри тушунтириб, уни ҳисоблай олмайдилар. Натижада бадал пасайтирилади, бу эса таъмирлаш, кредитларни ўз вақтида қайтариш имконини бермайди. Ширкатларга ечим: қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ уй учун зарур ишлар минимумини таъминловчи энг кам бадал таклиф этилмоқда.

➤ Уй-жой мулкдори мажбурий бадалларнинг бир қисmini пулда тўлаши ўрнига умумий харажатлардаги иштирокининг бошқа турларига ўзгартириш

Ушбу норма уй-жой мулкдорларига кўмак бериш мақсадида амалдаги қонунчиликка киритилган бўлиб, ХУМШ амалиётида фаол қўлланилмоқда. Бироқ унинг механизми қайд этилмаган, бу кўп қонунбузарликларга олиб келди. Бунинг учун уни нуқсонлар далолатномаси, умумий йиғилиш бошқаруви баённомаси, ишларни бажаришда фойдаланилган, номи ва қиймати қайд этилган, сотиб олинган қурилиш материалларига ҳисобварақ-фактурани тақдим этиш заруратини белгилловчи регламент билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

➤ Бошқарувчи компанияларни лицензиялаш

Кўпинча умумий мол-мулк шартномалар тузмасдан, билимсиз мутахассислар, баъзан кўчадаги тасодифий кишилар томонидан сифатсиз таъмирланади. Натижада ноинсоф пудратчини жавобгарликка тортишнинг иложи бўлмайди. Лицензияга эга бўлган ташкилотлар-

нинг ККУни бошқариши ва унга хизмат кўрсатишини назарда тутувчи нормани киритиш таклиф этилмоқда. Эҳтимол, ҳозирча бу таклифни киритиш ўринли эмасдир. Бироқ лицензия – хавфлардан сугурталаш, сифат кафолати, масъулият демак. Тендер ўтказиш йўли билан умумий мол-мулкни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш учун БК танланади. Хужжатлар ва уни ўтказиш тартиб-таомилини УКХ вазирлиги ишлаб чиқади. ЭКИХнинг 10–50 бараваридан кам устав фондига эга бўлган бошқарувчи ташкилотлар ККУни бошқариши ёхуд унга хизмат кўрсатишига қўйилмайди.

➤ Квартиралар мулкдорларининг мажбурий бадалларни ўз вақтида тўламаслиги

Бугунги кунда мажбурий бадаллар бўйича қарздорларга таъсир ўтказишнинг самарали дастаклари деярли мавжуд эмас. Қарздорликни ундиришга доир суд қарорлари лозим даражада ижро этилмайди. ХУМШ аъзоси мажбурий бадалларни 3 ойдан ортиқ муддат тўламаган тақдирда ХУМШ бошқарувида у қарзни тўламагунга қадар унинг мурожаатлари ва буюртманомаларини бажаришни тўхтатиб туриш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқини бериш таклиф этилмоқда.

➤ Умумий мол-мулкни бошқаришда мулкдорларнинг улушли иштирокини кадастр паспортида қайд этиш

Биз Германиянинг кўп квартирали уйлари бошқариш тажрибаси билан танишдик. Уй-жойни сотиб олиш босқичида умумий мол-мулкни бошқаришда уй-жой эгаларининг улушли иштирокини қайд этиш қисмида ундан фойдаланмоқчимиз. Бу уй-жойга бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат – кадастр паспортида белгиланган бўлиши лозим. У давлат реестридан кўчирма бўлиб,

унда квартира тавсифи: турар жой режаси, нимага мўлжалланганлиги, тури, умумий ва яшаш майдони, техник экспертиза ўтказилган сана, кадастр ва инвентарлаш рақамлари ва ҳ.к. қайд этилади. Бу кўпроқ янги қурилган уйларга тегишли. Янги сотиб олинган уй-жойга янги кадастр паспортини олаётганда кадастр хизматлари уйнинг умумий мол-мулкдаги мулкдорнинг улушини, шунингдек мажбурий бадаллар ҳисобига сақлаши лозим бўлган умумий мол-мулк рўyxатини кўрсатишлари таклиф этилмоқда. Ана шунда мулкдорлар нималар учун бадал тўлаётганларини англаб етишлари кўзланмоқда. Бироқ иккиламчи уй-жой фондида ҳам ҳаракатланиш кузатилмоқда, илгари ККУда яшамаган, ўз мажбуриятларини билмайдиган мулкдорлар унга кўчиб кирмоқдалар. Иккиламчи кўп квартирали фондни инвентарлаш ва иккиламчи уй-жой бозори мулкдорлари учун кадастр паспортларини олиш масаласи ҳам муҳокама қилинмоқда.

➤ Уй-жой мулкдорларининг умумий мол-мулкни бошқариши

Ширкатлар кўп квартирали уй-жой фондиди бошқаришнинг демократик институти бўлиб қолмоқда. Мулкдорлар умумий мол-мулкни бошқаришнинг 3 та усулини қонун лойиҳасига киритиш таклиф этилмоқда. Булар – ККУдаги умумий мол-мулкни уй-жой мулкдорлари ширкати биргаликда бошқариши; юридик шахслар ёхуд бошқарувчилар (жисмоний шахслар) томонидан профессионал бошқарилиши; уйни юридик шахс ташкил этмасдан бошқариш. Уй-жой мулкдорларига танлаш ҳуқуқи берилади. Ширкат тузмасдан бевосита бошқариш шакли қонунчиликда тартибга солинмаган. Қонун лойиҳасига юридик шахс ташкил этмасдан ККУни бошқариш тўғрисидаги бўлимни киритиш таклиф этилмоқда.



Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

УКХ: қонун қандай бўлиши керак?

Давра суҳбати иштирокчилари УКХ вазирлигининг ишчи гуруҳи тақдим этган ХУМШ тўғрисидаги қонун лойиҳасига доир таклифларни муҳокама қилдилар.

Жамила Ниёзова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Вазият куйидагича: уй-жой қонунчилигини ислоҳ қилиш зарурати мавжуд, бир қатор идоралар бунга амалга оширишга уринмоқдалар. Олий судга — Уй-жой кодексига ўзгартиришлар лойиҳасини тайёрлаш, УКХ вазирлигига «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган. «Кўп квартиралар уйларида турар ва нотурар жойлар, умумий мол-мулкдан фойдаланиш, уларни сақлаш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мавжуд. «Кўп квартиралар уйлари бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини яратиш гоёси муҳокама қилинмоқда, у бошқарувнинг 3 та асосий шакли: ККУдаги умумий мол-мулкнинг ширкат томонидан бошқарилиши; уй-жой мулкдорларининг ХУМШ ташкил этмасдан бошқариши; юридик шахслар ёхуд бошқарувчилар — жисмоний шахслар томонидан профессионал БК ёрдамида бошқаришни ўз ичига қамраб олган бўларди. Предметни белгилаб, аниқ чегаралаб олиш лозим: ё бў ҳамма жиҳатларни қамраб олувчи битта қонун бўлади, ёки унга аниқлик киритиш керак бўлиб, масалаларнинг бир қисми Уй-жой кодексига қайд этилади, ёхуд бир нечта қонун ишлаб чиқилади.

ХУМШ нотижорат ташкилотлари ҳисобланади. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, бунга қонун лойиҳасида батафсил ақс эттириш, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган жиҳатларини бартараф этиш зарур. Шунга қайд этиш лозимки, давлат ҳали ҳам уй-



жой соҳасини бошқаришда, баъзан хусусий масалаларда, баъзида мажбуран иштирок этиб келмоқда. Хусусийлаштириш пайтида бутун уй-жой фонди мулкдорлар қўлига топширилган эди, уларнинг бир қисми ҳанузгача ўз мажбуриятини англаб етгани йўқ. Кўп квартиралар уйларида яшаш маданияти масаласи юзага келмоқда.

Вернер Меркель, Германия Кўчмас мулк бошқарувчиларининг мувофиқлаштирувчи иттифоқи (DDIV) бошқаруви аъзоси, «Vegis» бошқарув ва сервис компаниялари гуруҳининг директори:

— «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси концепциясини ўрганиб чиқиб, ўз тавсияларимни бердим. Янги қонун аҳоли онгига ўзгариш юз беришига, мулк қандай мажбуриятларни юзага келтиришини тушунишига олиб келиши керак. Уй-жойни сақлаш учун бошқарувда мулкдорлар иштирок этиши талаб қилинади. Бунинг учун ККУдаги қайси мол-мулк хусусий, қайсиниси умумий эканлигини аниқ белгилаш лозим. Тегишли ҳадли

шартлар шакллантирилганда бунга эришишнинг имкони бўлади, уларга, масалан, умумий мол-мулкни тақсимлаш тўғрисидаги декларация киради. Кўчмас мулкни бошқариш соҳасида профессионал менежмент хизматлари таклиф этилиши учун шарт-шароит яратиш зарур. Фақат мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўли билан касб маҳоратини оширишга эришиш мумкин. Бу қонунчиликда қайд этилган бўлиши керак. Германияда бошқарувчилар 3 йил ўқитилади. Таълим ва амалиётни биргаликда олиб бориш маъқулланади. Уч йиллик курсни тугатгач, кўчмас мулк объекти менежери ихтисослигига эга бўладилар. Академия ёки университетда таълим олишни давом эттириш мумкин.



Кўчмас мулк бошқарувчиси нималарни бажариши мумкинлиги ва шартлиги, унинг роли, ҳуқуқий жиҳатдан жавобгарлиги қандайлигини белгилаш керак. Ягона биллинг тизимини яратиш, кўп квартиралар уй-жой фондиди сақлаш ва бошқариш учун стандартларни ишлаб чиқиш зарур. Шикоятларни тақдим этиш

ва кўриб чиқиш тартибини янги қонунга киритиш имконини кўриб чиққан маъқул. Фақат профессионал бошқарув орқали вазиятни ўзгартириш мумкин. Турли дастурлар орқали давлат кўмагида тегишли профессионал тайёргарлик кўрган ҳолда, албатта.

Леонид Хван, юридик фанлар номзоди:



– Одатда парламент ҳажми бўйича стандарт намунавий қонундан катта бўлган қонун лойиҳаларини кўриб чиқишга тайёр бўлмайди. Депутатлар вазиятнинг муҳимлигига ва уй-жой-коммунал соҳаси олдида турган вазифалар ҳажмига қараб ундаги барча масалалар ва муносабатларни батафсил тартибга соладиган, бироқ одатдаги қонун ҳажмидан ошадиган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлашга тайёрмилар?

Немисларнинг умумий мол-мулкни тақсимлаш тўғрисидаги декларациясида мавжуд бўлган бир қатор нормалар бизнинг қонунчилигимизда ҳам бор. Масалан, ертўлаларга киришни чеклаш; умумий мол-мулк ҳолатини назорат қилиш мақсадида раиснинг мулкдорга қарашли уйга кириш ҳуқуқи; уй-жойларни ижарага бериш тартиби; капитал таъмирлашга жамғармалар тўғрисидаги қоида ва ҳ.к. Бироқ бу масалалар бизда битта ҳужжат билан эмас, балки қонун ёхуд қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бизда уй

эгалари ушбу бандлар қонун ёки Хукумат қароридида қайд этилгандагина уларга амал қилади. Декларация қоидаларини худди шундай ҳужжатда эмас, балки қонун ҳужжатларида қўлласак, немис экспертлар бунга қандай қарар экан?

Молия вазирлиги ўз вақтида ККУда умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини белгилаш тартиби тўғрисида ҳужжат қабул қилган. Шундан келиб чиққан ҳолда 1 м² умумий майдонга бадал миқдори белгиланади. Аслида у Президент қарорига кўра УҚХ вазирлиги ҳар йили ширкатларга белгилаб бериши керак бўлган бадалнинг энг кам миқдоридир. У бизда жуда кўп танқид ва эътирозларга олиб келди. УҚХ вазирлиги ҳужжатдаги формулага таяниб, бунга йўл қўймаслиги мумкин эди, ундан келиб чиқишча, ушбу минимумдан кам бадални белгилаш тақиқланади, ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида эса ундан юқори миқдорни белгилаш мумкин. Бадалнинг энг кам миқдорини белгилаш масаласини Молия вазирлиги тимсолидаги ҳолис давлат органи ҳал этгани маъқулдир?

Германия уй-жой қонунчилигини ишлаб чиқишда ўз тажрибасини таклиф этмоқда. Эксперимент ўтказиб кўрсак-чи? Бир йил давомида Тошкент ва минтақалардаги бир қатор ХУМШда бошқарувнинг барча усуллари қўллаб, қонунни синаб кўрайлик. Тўғри, бир томондан, уни қутмоқдалар, уни қабул қилишимиз зарур. Бироқ у ихтилофларни юзага келтирмаслиги керак. Шу сабабли шошма-шошарлик қилмаслик керак деб ҳисоблайман.

Фируз Ақобиров, Молия вазирлигининг уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш ва ҳудудларни ободонлаштириш соҳасини молиявий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ривожлантириш дастурларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари:

– Ягона ҳисоб-китоб маркази (ЯХМ) мажбурий бадаллар ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш масалаларини зиммасига олиши лозим. Бу истеъмолчилар учун қулай, ресурслар билан таъминловчи ташкилотлар учун фойдали бўлади. Бугунги кунда истеъмолчи коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун вақт сарфлаши керак. Етказиб берувчиларнинг ҳар бир бўлинмасида фронт-офис мавжуд. Бу ерда квантициялар, ҳисобланмалар кўриб чиқилиб, мижозлар билан иш олиб борилади. Етказиб берувчилар марказ муассислари бўлиб чиқсалар, ушбу функцияларни ЯХМга топширишлари ва ҳисобланмаларни унга ўтказишлари мумкин. Шу тариқа, ҳисоб-китоб марказларини ривожлантириш манбаи юзага келади.

Қонуннинг янги версиясида ККУни бошқаришнинг учала усулини назарда тутиш даркор. Бироқ қасб маҳоратини оширишга, юқорида даражага чиқишга интилиш лозим. Умумий мол-мулкни бошқариш иерархияси барпо этилса, юридик шахс ташкил этмасдан бошқариш орта қўлиб кетади. Ширкат ёрдамида бошқариш ундан юқори погонани, бошқарувчи компаниялар ёрдамида фаолият юритувчилари эса ундан ҳам юқори погонани эгаллайди. ХУМШсиз бевосита бошқариш шахсга, унинг виждончилиги, бартариблиги, етакчининг ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ,



уй аҳли бошқарув масалаларини ечишни унга ишониб топширишлари керак. Бунда кўп таваккалчилик қилинади, бироқ биз тизимни йўлга қўйишимиз зарур. Нима учун касб маҳоратини оширишга интилиш даркор? Чунки ширкатни бошқаришда раис ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи бўлиб чиқиши мумкин. Кўпинча шу сабабли ишлар сифатсиз бажарилади, порахўрлик кўпаяди. Чет ташкилотга хизматлар буюртма қилинса (унинг фаолияти назорат ва мониторинг қилинганда) бундай бошқарув кўпроқ самара беради. Шу сабабли БК ваколатини оширишда улар билан ҳамкорлик қилиш шунчалик муҳим. Балки, солиқ жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш керакдир. Бевоқиф бошқариш усули эскирди деб ўйлайман. Бугунги кунда ширкатни бошқариш наф беради. Келгусида БК ёрдамида профессионал бошқарувга ўтамиз, биз ана шу мақсадга интилишимиз лозим.

Гулнора Алиева, «Учтепа Фаровон» БК директори:

— ЯЎМ тушунчасига аниқлик киритиб олиш лозим. Моҳиятан олганда, ҳисоб-китоб маркази туловларни жамлаш ва тақсимлаш билан шуғулланиши керак. Бу уй-жой хизматлари бозорининг субъектларидан бири ҳолос, уни қонун лойиҳасида акс эттириш ноўрин.

Бадалларнинг энг кам миқдорлари масаласига келсак. Республикада 32 мингдан ортиқ ККУ мавжуд. Ким уларни текширади, техник ҳолати, бухгалтерия ҳисоботини ўрғанади? Бунда уй-жой фондиди инвентарлаш керак. Бу ҳам юзаки ёндашув бўлади, тарифлар уйнинг реал эҳтиёжларига жавоб бермайди. Бизда Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкни сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда



харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабеллигининг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низом (АВ томонидан 10.04.2007 йилда 1672-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бор. Унда 1 м² майдонга харажатларни белгилаш формуласи берилган. Бошқарувчиларни ҳужжатлардан фойдаланишга ва мулкдорларни тўғри хабардор қилишга ўргатиш лозим.

Қонун лойиҳасида уй-жой инспекцияси ролини ошириш, унинг ваколатларини кенгайтириш зарур. У умумий мол-мулкни сақлаш қоидаларини бузганлик учун жарима солиши керак. Жарималар салмоқли бўлиши даркор. Айни чоғда кўп мулкдорлар ва ХУМШ раҳбарларига «дарра уриш» керак — бошқа таъсир чоралари қор қилмаяпти.

Рената Юсупова, Юнусобод тумани Халқ депутатлари кенгаши депутати:

— Қонунчиликда фақат хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг ККУни бошқариши батафсил белгиланган. Уй-жой кодексининг атиги 1 та хатбошиси юридик шахс ташкил этмасдан ўзини ўзи бошқариш ва БК ёрдамида бошқаришга бағишлан-

ган. Уй-жой мулкдорлари ва БК ўртасидаги муносабатларни тартибга солишчи қонунчилик базаси деярли мавжуд эмас. ХУМШ ташкил этмай ўзини ўзи бошқариш учун регламент зарур. Бундай бошқариш шаклини танлаган мулкдорлар вазиятдан қандай чиқаяптилар? Ширкатлардан фарқли равишда уларнинг кредит олиши чекланган, ҳисоб-китоб рақамини оча олмайдилар, давлат дастурларида иштирок эта олмайдилар ва ҳ.к. Уй аҳли етарли маблағ жамғармагунча, кредитсиз капитал таъмирлаш режасини амалга ошириш бир неча йилга чўзилиб кетади. Бироқ улар ҳам ҳамма қатори кўп қаватли уйлар, уй-жой мулкдорлари саналади. Нима учун уларнинг ҳуқуқлари чекланган? Ҳуқуқий база мавжуд эмаслиги боис назорат органлари уларга эътироз билдиришлари мумкин. Биз кўп квартиралли уйларни бошқаришни норматив тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрлаяпмиз. Яна



бир таклиф — ККУни бошқариш соҳасидаги қонунбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш лозим. Бугунги кунда беғам ХУМШ раҳбарини фақат жиноий жавобгарликка тортиш мумкин. Айни пайтда мулкдорларнинг кўпгина ҳаққоний даъво-эътирозлари жавобсиз қолмоқда.

Раҳима Ортиқова, Ўзбекистон уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи профессионал бошқарувчилар ташкилотлари уюшмасининг эксперти:




— Бошқарувчи компаниялар «Ўз-коммунизмат» агентлиги 2006 йилда ишлаб чиққан Бошқарувчи ташкилотларни ташкил этишга доир тавсиялардан фойдаланмоқда. Бугунги кунда ушбу масала чуқур ҳуқуқий тартибга солишни талаб этади. Юридик шахс ташкил этмаган уйларнинг муаммолари ҳам ўз ечимини кутмоқда, улар аниқ ҳуқуқий регламентга эга бўлмай туриб, хато ва камчиликларга йўл қўйган ҳолда, бир-бирлари билан тажриба алмашиб фаолият юритмоқдалар. Тошкентда ХУМШ ташкил этилмаган

кўп қаватли уйларни бошқаришга тавakkал қилган 2 та БК мавжуд. Улардан бири ўзини ўзи бошқарувчиларга кредит ажратилишига, шунингдек кўп квартиралли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва шарт-шароитларини яхшилаш бўйича давлат дастурида иштирок этишига эришди. Томонларнинг муносабатлари ХУМШ сингари йўлга қўйилади.

Садриддин Отакулов, Сурхондарё вилояти ТТХ директори, «Родник» ХУМШ (Термиз ш.) раиси:

— Бизга мажбурий бадаллар ўз вақтида тўланмаганлиги учун уй-жой мулкдорларининг қатъий жавобгарлигини белгилувчи қонун керак. Улар уйлари таъмирланишини истасалар, бунинг ҳақини тўлашга мажбур эканликларини, акс ҳолда жавобгарликка тортилишларини билишлари лозим. Амалдаги ХУМШ тўғрисидаги Қонун 2006 йилда қабул қилинган. Шундан буён 12 йил ўтди, кишилар онгиде эса кўп нарса ўзгармади. Зиммаларида умумий мол-мулкни сақлаш мажбурияти борлигини тушунишни истамайдилар. Янги қонунни қабул қилиб, ниҳоят, буни англаб етишларини яна 10 йил кутамиз. Превентив чоралар натижа бермаяпти. Кишилар йиллаб ҳақ тўламасалар, бизда



эса уларга ҳақиқий таъсир ўтказиш дастаклари бўлмаса, ширкат қандай қилиб нормал ишлаши, уйларни таъмирлаши, кредитларни қайтариши мумкин? Бизга Германиядагидек квартира сотиб олаётган мулкдорга декларацияни имзолатиб, у билан бирга уйдаги умумий мол-мулкни ҳам сақлаш мажбуриятини юклатадиган қонун керак. Биз кутаётган қонун жуда муҳим, унга масъулият билан ёндашиш зарур. Шошқалоқлик қилиш ярамайди. Минтақаларда шу соҳада иш олиб бораётган ва вазиятдан яхши хабардор бўлган ХУМШ раҳбарлари, бошқарувчи ташкилотлар билан қонун лойиҳаси муҳокамасини ташкил этиш керакдир.



Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Нима учун уй-жой соҳасидаги ислоҳотлар қийинчилик билан рўёбга чиқмоқда

МДХ мамлакатларида кўп хонадонли уй-жой фондини бошқаришда муҳим ўзгаришлар юз бераётгани йўқ. Соҳадаги ўзгаришлар қийинчилик билан рўёбга чиқмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларида иш тажрибасига эга, уй-жой кўчмас мулкни бошқариш бўйича Шарқий европалик халқаро экспертлар «Қозоғистон ва Ўзбекистонда уй-жойларни профессионал бошқариш» Pro House лойиҳаси доирасида Тошкентда ташкил этилган семинарларда шунини таъкидлашди.

«Биз Ўзбекистонга тайёр ечимлар билан эмас, балки сизнинг мамлакатингизда кўп хонадонли уйларни бошқаришда асқотадиган ва қўллаш мумкин бўлган тажриба билан келдик», — дейишди экспертлар.

МДХнинг уй-жой тармоғидаги ислоҳотлар исталган натижаларни беришнинг асосий сабаб нимада? Бу савол билан биз уй-жой кўчмас мулкни бошқариш соҳасида нуфузли халқаро эксперт Вернер Меркелга мурожаат қилдик. У Германия Кўчмас мулк бошқарувчиларининг мувофиқлаштирувчи иттифоқи (DDIV) бошқарувининг аъзоси, «Vegis» бошқарув ва сервис компаниялари гуруҳининг директори. Кўчмас мулк менежменти халқаро уюшмасининг (КМХУ, Беларусь) бошқарув раисидир.

«Асосий сабаб шундаки, узоқ йиллар давомида уй-жой давлат бошқарувида бўлиб келган, — дейди Вернер Меркел. — Бирор нарсани қўлдан чиқариб юбориш ҳар доим қийин кечади. Одамлар ўзлари, давлатнинг кўмагисиз уйдая қолармикинлар, деган ҳадик бор. Уй-жой кўчмас мулкни мулкдорлари бirlашувида давлат ўзи учун қандайдир хатарларни кўргандир балки. Одамлар кўпроқ мустақилликка эга бўлишса, ўзларига ишончи ортса, давлатдан нима талаб қилишни билиб қоладилар. Ёки аксинча, бошқарувни самарали йўлга

қўя олишмаса-чи, бунинг учун зарур билим ва кўникмалар керак-ку ахир.

Уй-жой кўчмас мулкни мулкдорлар қўлига топшириш гоёси, аслида, яхши гоё. Лекин собиқ иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларнинг деярли барчаси битта йўлдан боришди. Аввалига кўп хонадонли уй-жой фондини хусусийлаштиришди, кейин уни бошқариш тажрибасини ўргана бошлашди. Бу ҳудди кўзи охири кишига гуллар ранг-баранглигини тушунтирган билан баробардир. Фуқаролар фалакнинг гардиши бир айланмиб мулкдорларга айланишди, лекин кейинги навбатда қандай йўл тутишни билишмас эди. Уларга бу кўчмас мулкни сақлаб туриш бўйича мажбуриятлар, масъулият хусусида ҳеч ким ҳеч нарсани тушунтирмади, бу ишни илгари давлат бажарар эди-да. Хусусийлаштириш жараёнлари кенг майдондаги маърифий ишлар билан бирга олиб борилмади. Шу туфайли уй-жойнинг мулкдорига айланса-да, одамлар барча ишларни улар учун давлат бажариб беради, деган хато тушунчада қолаверибди. Тафаккурни эса тезда ўзгартириб бўлмайдди. Уй-жой кўчмас мулкни бошқаришдаги ютуқлар ҳақида гапириш ҳали эрталигининг сабаби шунда. Бу борада гап бир қатор масалаларни ҳал этиш, пухта ўйланган, яхшилаб шакллантирилган давлат сиёсати ва стратегияси хусусида, қаерга қараб юриш, қайси

йўналишда ҳаракатланиш зарурлиги тўғрисида бормоқда. МДХ мамлакатларидаги 10 йиллик иш тажрибамиз бизга эгарга ўтирганда қайси тарафга қараб от сурмоқчи эканлигини билмай турган ҳолатни эслатади.

Уй-жой кўчмас мулкни самарали бошқаришни расамда солиш учун иш-тажриба ва сиёсатчилар, қонун чиқарувчиларнинг экспертлар билан фаол мулоқотини йўлга қўйиш лозим. Бошқача айтганда, «Нима қилмоқ керак?» деган саволга жавоб қидирибгина қолмай, бу ишни нега айнан шундай қилиш лозимлигини аниқлаш, яъни масалага чуқурроқ назар ташлаш керак бўлади. Акс ҳолда қайси ранг кимга йўл очиниши аввал тушунтирилмагани сабабидан одамлар қорраҳада қотиб қолган вазият юзага келади. Экспертлар сиёсатчилар билан гаплашганда бошқарув тажрибасини кўрсатиб ва сўзлаб беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Сиёсатчилар мазкур тажриба уларнинг мамлакатига керакми-йўқлигини тушуниб етишлари лозим. Агар керак бўлса, бу тажрибани ўрганишга эмас, балки маҳаллий воқелик ва ўзига хосликдан келиб чиқиб, уни ўзларига мослаштири олишлари лозим.

Уй-жой кўчмас мулкни самарали бошқаришнинг яна бир шарти — мутахассисларнинг мунтазам билим ошириб бориши, профессионал тайёргарлиги. Германия бу борада Ўзбекистонга кўмак бериши мумкин. Биз яна бир йўналишда иш олиб бормоқдамиз, бу хусусда ҳам ўз тажрибамиз билан ўртоқлаша оламиз, бу — уй-жой кўчмас мулкни энергия қувватини тежаган ҳолда санациялаш. Масала МДХ мамлакатлари учун анча долзарбдир. Ўзбекистонда



санациялашни талаб қиладиган эски уй-жой фонди ҳам анча кўп. Лекин аввалига у санациялашга тайёргарлиги бўйича ўрганиб чиқишли керак. Биз бу борада синовдан ўтган иш тажрибасига эгамиз. Энергия қувватини тежаган ҳолда санациялаш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши даркор. Агар у янги уйни қуриб битказиш харажатларига тенг бўладиган бўлса, у ҳолда ўзини оқламайди.

Уй-жой кўчмас мулкни бошқаришнинг натижалари ҳақида гапирганда, Беларусь тажрибасини мисол келтирса бўлади, бу ерда сиёсатдонлар кўп хонадонли уй-жой фондини бошқараётган экспертларга қўлоқ тутдилар. Республикада Кўчмас мулк менежменти халқаро уюшмаси (КМХУ) тузилган. Бу қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги мулоқот ривожланишига суръат бағишлади. Парламент уюшманинг уй-жой фондини бошқаришни яхшилаш бўйича таклифларини кўриб чиқмоқда. КМХУ вакиллари парламент, вазирликлар, ташкил экспертлар билан ҳамкорликда уй-жой қонунчилигини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқдалар».

Декларация имзоланмаса — квартира харид қилиб бўлмайди

Германияда умумий мулкни бўлиш тўғрисидаги декларация уй-жой қонунчилигида эришилган ютуқлардан ҳисобланади. Уни баъзида уй-жой қомусига менгашади, сабаби қоидаларнинг мазкур мустаҳкам йиғиндиси ярим асрдан буюн немислар учун уй-жой кўчмас мулкни самарали бошқариш, мулкдорларга ўзини ҳимояланган деб ҳис этиш, ҳар икки тарафга эса ўз ҳуқуқ ва бурчларига оғишмай амал қилиш имконини беришмоқда. Ушбу ҳужжат бугунги кунда янги уй-жой қонун ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг диққат марказида тургани ҳам бежиз эмас — улар немис тажрибасидан фойдаланган ҳолда, уни маҳаллий шароитларга мослаштириш имкониятини ҳам назардан қочирмаяптилар.

Пойтахтда немис экспертлари иштирокида биринкетин ўтказилган семинарларда декларациянинг асосий қоидалари экспертлар томонидан деярли «чайнаб берилди». Бизга фақат масалани аниқлаб, тафаккур қилиб, ишлаб чиқувчи ва қонун чиқарувчиларимиз уни четлаб ўтмасликлари кераклиги умидида ушбу тажрибани ўзимизда қўллаш қолди. Чунки ҳужжат, ҳудди ёндашув сингари, мулкдорларнинг умумий мулкка бўлган муносабатини анча ўзгартириши мумкин. Биз чорак асрдан кўп вақт мобайнида

одамларга унинг моҳияти тушунтириб берилмаган ҳолда амалга оширилган хусусийлаштиришнинг оқибатлари билан курашиб келаётган бўлсак, Германияда квартира харид қилар экан, мулкдорлар ўз ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида шу заҳотиёқ билиб олишади ҳамда уларга қатъий амал қилишга ўтишади. Бизнинг пулларимиз қаерга кетди ва биз нима учун пул тўлаяпмиз, уй орқасидаги боғча кимникию, автомашинани қаерда сақласа бўлади, квартирада деворни олиб ташлаш мумкинми, уй олдини қайта бўяса бўладими, деганга ўхшаш саволлар юзага келмайди. Уларга жавобларни квартирани харид қилгунга қадар билиб олса бўлади.

Декларациянинг муҳим қоидалари хусусида биз «Норма маслаҳатчи» газетасининг 17.07.2018 йилдаги 29 (678)-сонининг мавзуйи тўпламида ёзган эдик. Қисқача эслатиб ўтамиз, ушбу кенг қамровли ҳужжатни қурувчи квартираларни сотишдан олдин тузади. Уй-жойни харид қилар экан, мулкдор барча қоидалар билан рози бўлган ҳолда ҳужжати имзолаши керак. Агар имзо чекмаса, квартирани унга сотишмайди. Ҳужжат шартларини бузса, уйдан маҳрум этилади. Қатъий, лекин адолатли ёндашув. Декларация нотаиал тасдиқланади ва ер тўғрисидаги китобчага киритилади. Ҳар бир квартира учун ер кадастри варақаси илова қилинади, унда мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлади.

Декларацияда ер участкаси, яқка тартибдаги мулкчилик (квартирага бўлган), умумий фойдаланишдаги объектларга ҳуқуқ ва бошқаларнинг батафсил тавсифи келтирилади. Қурувчи, шунингдек, уйга ҳамкорликда эгалик қилиш уставини ҳам тузади. Унда умумий ва яқка тартибдаги мулкдорлик, ундан фойдаланиш қоидалари, алоҳида асослар бўйича умумий мулкдан фойдаланиш ҳуқуқлари, ижарага бериш, конструктив ўзгаришлар, етказилган зарар учун жавобгарлик, умумий мулкнинг жорий ва мукамал таъмирланиши, суғурта ва бошқа масалалар кенг очиб берилади.

Уй-жой кўчмас мулкни бошқариш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, умумий мулкдан фойдаланиш қоидалари ва бошқалар билан боғлиқ бўлган кенг қамровли масалалар турли юридик кучга эга бўлган ҳужжатларда тарқоқ ҳолда эмас, уйда яшовчилар бу масалаларга заруратсиз мурожаат қилишлари дарғумон. Мазкур масалалар ягона ҳужжат — декларацияда бирлаштирилган. Қурувчи уни ҳар бир уй учун уй-жой объектнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб тузади. Лекин ўзгармас принципларни белгилаб берувчи, унда ўз ифодасини топиши шарт бўлган намунавий ҳужжат ҳам мавжуд. Декларацияни тузиш «Уй-жой хоналарига мулкдорлик ҳуқуқини олиш тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади. Бу Германияга уй-жой кўчмас мулкни самарали бошқариш тизимини яратишга имкон берган мақбул тажрибадир.

Улгуржи ва чакана сотиш учун Хитойдан биологик фаол қўшимчалар

Хитой фармацевтика компанияси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни (дори воситалари, биологик фаол қўшимчалар) Ўзбекистон ҳудудига сотмоқчи. У солод илдизи экстракти ишлаб чиқаришга ихтисослашган МЧЖ ХК муассиси ҳисобланади. МЧЖ ХК улгуржи савдо қилиш учун лицензияга эга.

Хитой фармацевтика компанияси ўз маҳсулотини Ўзбекистонда қандай реализация қилиши мумкин?

Бунинг учун рухсат берувчи қандай ҳужжатлар зарур?

– Хитой компанияси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни (дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар) ЎзР ҳудудига реализация қилиш учун ўзи муассиси бўлган компания билан уларни етказиб беришга ташқи савдо контрактини тузиши мумкин.

Контракт тузаётганда Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 30.09.2003 йилдаги 416-сон қарорига 1-илова) талабларига риоя этиш зарур.

Илк бор олиб қирилган ва илгари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган озиқ-овқат қўшимчалари, озиқ-овқатга биологик фаол қўшимчалар бўлган биологик фаол моддалар ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг олиб киришга рухсатномасини олишни талаб этади (Низом, ВМнинг 30.04.2016 йилдаги 131-сон қарорига 2-илова).

Овқатга қўшилаётган биологик фаол қўшимчалар – озиқ-овқат хом ашёсини қайта ишлаш йўли билан ёки сунъий усулда ҳосил қилинган ҳамда бевосита овқат билан бирга истеъмол қилишга ёки озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга мўлжалланган табиий ёхуд табиийга айнан ўхшайдиган биологик фаол моддаларнинг концентратлари («Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси). Биологик фаол қўшимчалар озиқ-овқат қўшимчаларига кириши сабабли (башарти Дори воситалари давлат реестрига киритилмаган бўлса) уларни улгуржи реализация қилиш учун:

➤ улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия олиш (мазкур ҳолатда у мавжуд);

➤ Овқатга қўшилаётган биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш ва уларнинг оборотида доир гийманик талабларга (25.11.2008 йилдаги 0258-08-сон СанҚН) риоя этиш лозим.

ЎзР ҳудудига олиб қириладиган дори воситалари Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 23.03.2018

йилдаги 213-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши ва кейинчалик сертификатланиши керак.

2018 йил 1 августдан бошлаб юқори тартибга солувчи талаблар қўйилган мамлакатларда амалга оширилган, дори воситалари, шу жумладан дори моддалари (субстанциялар) ва препаратларни давлат рўйхатидан ўтказиш натижалари Ўзбекистонда тан олинади (20.06.2018 йилдаги ПФ-5460-сон Фармоннинг 1-банди).

Дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш учун бошқа лицензия – фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензия зарур. Фармацевтика фаолияти шу жумладан дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиши ўз ичига олади. Уни олиш учун Фармацевтика фаолиятини (дори воситалари ва тиббий буюмларни) чакана реализация қилиш бундан мустасно) лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 12.05.2017 йилдаги 284-сон қарорига 4-илова) амал қилиш лозим.

Бунда ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш ва сақлаш қоидаларига риоя этиш зарур (Низомнинг 3-банди, ВМнинг 6.04.2017 йилдаги 185-сон қарорига 1-илова).

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ва уларнинг филиаллари орқали амалга оширилади (Низомнинг 2-банди, ВМнинг 185-сон қарорига 2-илова).

Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш учун лицензия олиш тартиби Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 284-сон қарорига 1-илова) билан белгиланган.

Дори воситаларини реализация қилиш, сақлаш, ташиш, маркировкалаш, йўқ қилишга доир талаблар Дори воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентада (ВМнинг 27.10.2016 йилдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган) баён этилган.

Жисмоний шахс олий иқтисодий маълумотга (магистратура) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш соҳасида 10 йилдан ортиқ стажга эга. Жисмоний шахс ва юридик шахс 1 йиллик бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш хизматларини кўрсатиш учун фуқаролик-ҳуқуқий шартнома туздилар.

Жисмоний шахс бухгалтерия ҳисобини тиклаш ва юритиш хизматларини кўрсатиш мақсадида ФХШ тузиш учун якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши керакми?

Жисмоний шахс бухгалтерия хизматларини кўрсатиш учун лицензияга эга бўлиши зарурми?

ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтмасдан хизматлар кўрсатиш

– Йўқ, башарти унинг фаолияти асосий ҳисобланмаса ва мунтазам тусга эга бўлмаса, жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши керак эмас.

Шахснинг у ёки бу фаолиятини тадбиркорлик деб топиш учун 2 та ҳолат мавжуд бўлиши:

➤ даромад топишга қаратилган ҳаракатлар системали равишда содир этилиши;

➤ бундай фаолият асосий, яъни касб фаолияти сифатида амалга оширилиши шарт.

Шундан келиб чиқиб, бир марталик фуқаролик-ҳуқуқий мазмундаги битимлар тузадиган шахсларни, ҳаттоки бундай битимлар бир неча марта амалга оширилган тақдирда ҳам, тадбиркорлар деб топиш ва бундай сифатда давлат рўйхатдан ўтишни талаб қилиш мумкин эмас. Масалан, уй-жой ёки кўчмас мулкни ижарага бериш, шахсий буюмларни сотиш, пудрат ёки топшириқ шартномасига кўра онда сонда турли майда ишларни ҳақ эвазига бажариш ва ҳ.к. Мажбуриятларни меҳнат шартномаси (контракт) асосида бажариш ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди (ОСПнинг 11.12.2013 йилдаги 20-сон қарорининг 3-банди).

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва тиклаш хизматларини кўрсатиш Хусу-

сий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида (ВМнинг 7.01.2011 йилдаги 6-сон қарорига 1-илова) назарда тутилмаган.

Хизматлар мунтазам равишда кўрсатилса, шунингдек жисмоний шахснинг асосий (касб) фаолияти ҳисобланса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти деб эътироф этиш хавфи мавжуд бўлади. Шу сабабли контрагент билан меҳнат шартномасини тузиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш: ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ЭКИХнинг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солиш эҳтимоли мавжуд (МЖТКнинг 176-моддаси).

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва тиклаш хизматлари Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхатида (ВМнинг 15.08.2013 йилдаги 225-сон қарорига 1-илова) ва Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатида (ОМнинг 12.05.2001 йилдаги 222-II-сон қарорига 1-илова) қайд этилмаган. Тегишинча, бундай хизматларни кўрсатиш учун лицензия ва (ёки) рухсат этувчи ҳужжат олиш керак эмас.

Фақат сўмда пулни қарзга беринг

Хусусий корхона муассиси импорт харидларни амалга ошириш учун АҚШ долларига қарз беради ёки ўз корхонасининг айланма маблағларини вақтинча тўлдирди.

Корхонанинг ўз валюта маблағлари бўлмаса, уларни муассисга қайтариш механизми қандай?

– Муассис корхонага хорижий валютада қарз бериши мумкин эмас.

ЎзР ҳудудига барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ички бозорда қарзларни хорижий валютада бериш ва қайтариш Қонунда назарда тутилмаган.

Мулкдор ўз корхонасига пулни миллий валютада қарзга беришга ҳақли.

Корхона қарз маблағларини олгандан кейин жорий халқаро операциялар ҳақини тўлаш мақсадида пул маблағларини конвертация қилиш учун хизмат кўрсатувчи банка белгиланган тартибда буюртманома бериши мумкин.

Александр Лобанов, «Норма» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
уринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ёпқазиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;
«Норма» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсатқичи – 186. Қора б.а.и.и. – А3. Ҳажми – 2 босма таъб. Баҳоси қалъитан нарсиди.
Бўртма 376. Адади 820. Газета 2018 йил 10 сентябрь соат 16.00 да топширилди.